

ЎЗБЕКИСТОН

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йилнинг январь-мартда товар айланмаси 657 913,8 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 14,5 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	657 913,9	114,5	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	674,0	73,1	0,1
нодавлат мулки	657239,9	114,5	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	549495,3	117,5	83,6

Йирик корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилнинг январь-мартда 56 702,2 млн. сўмни ташкил қилиб, 2015 йил январь-мартга нисбатан 19,1 фоизга камайган.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобот даврида чакана савдо ҳажми 19,1 фоизга ошди ва 601 211,6 млн. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 91,4 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Товар айланмаси	657 913,9	115,4	100,0

шу жумладан:

Навобий вилоятининг статистик ахборотномаси

	Млн. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
йирик корхоналари	56 702,2	80,9	8,6
кичик тадбиркорлик субъектлари	601 211 ,6	119,1	91,4

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 229968,8 млн. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 107,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (61,9 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми амалдаги нархларда 142381,2 млн. сўмни, ўсиш суръати эса 104,8 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,0 фоизга ўсиб, 87587,7 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 38,1 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат секторнинг улуши 79,2 фоизни ташкил қилди. (2015 йил январь-мартга нисбатан 108,2 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган пуллик хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида	Маълумот учун: 2014 йил январь-март яқунига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	229968,8	100,0	100,0
давлат мулки	47724,1	20,8	21,3
нодавлат мулки	182244,7	79,2	78,7
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	100735,1	43,8	41,4

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 6,9 фоизни ёки 15832,0 млн. сўмни ташкил қилди. Уларнинг реал ҳажми 2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 7,2 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 91,1 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми дастлабки баҳоланганда 14415,5 млн. сўмни, ўсиш суръати эса 108,9 фоизни ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-март ойларида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (ҳақиқий баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:

	Млн. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	542097,7	115,2	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	37409,8	113,4	6,9
Молия хизматлари	58435,8	130,2	10,8
Транспорт хизматлари	144720,7	114,0	26,7
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	13438,6	105,6	2,5
Савдо хизматлари	183101,3	115,3	33,8
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	13303,7	109,0	2,5
Таълим хизматлари	25220,3	110,8	4,7
Соғлиқни сақлаш хизматлари	3443,4	104,3	0,6
Ижара ва прокат хизматлари	6489,0	113,9	1,2
Компьютер ва маиший буюмларни таъмирлаш хизматлари	5533,7	113,5	1,0
Якка тартибда кўрсатиладиган хизма- тлар	15235,0	109,5	2,8
Архитектура, муҳандислик, тадқиқот- қидирув, техник синов ва таҳлил хизма- тлари	3647,5	115,1	0,7
Бошқа хизматлар	32119,2	111,8	5,9

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо хизматлари (33,8 фоизи), транспорт хизматлари (26,7 фоизи), бошқа хизматлар (5,9 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Молия хизматлари (30 фоиз), савдо хизматлари (15,3 фоиз) архитектура, муҳандислик, тадқиқот-қидирув, техник синов ва таҳлил хизматлари (15,1 фоиз) транспорт хизмат хизматлари (14,0 фоиз) ўсиш юқори бўлди.

